ЎзРВБ Фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш бошқармаси бошлиғи Ж.Худойбердиевнинг брифингдаги
НУТҚИ

Сана: 6 февраль 2024 й.

Мавзу: “**ПҚ 291-сонли Президент қарори ижроси: «Тошкент» РФБ аъзоларини соддалаштирилган тартибда «ЎзРВБ» АЖ аъзолигига қабул қилиш бўйича ягона тартибни тасдиқлаш”**

Ассалому алайкум!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ биржа аъзоларини савдоларда қатнашиш имкониятини ошириш орқали инвесторлар базасини кенгайтириш кўзда тутилган.

Шунга кўра, “Тошкент” республика фонд биржаси” (“Тошкент” РФБ) аъзоларини соддалаштирилган тартибда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” (ЎзРВБ) аъзолигига қабул қилиш бўйича ягона тартибни тасдиқлаш ва бунда, икки биржа аъзоларини ўзаро тан олиш тамойилларини назарда тутиш белгиланган.

Айтиш жоизки, “Тошкент” РФБ ҳамда ЎзРВБга аъзоликка қабул қилиш жараёнлари мазкур биржаларнинг ички қоидалари асосида амалга ошириб келинмоқда.

Ўз навбатида, илгари икки биржа савдо иштирокчиларини аъзоликка қабул қилишда ўзаро тан олиш тизими мавжуд бўлмаган.

Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, “Тошкент” РФБ аъзоларини соддалаштирилган тартибда ЎзРВБ аъзолигига қабул қилиш бўйича ягона тартиб (Тартиб) ишлаб чиқилди.

Бунда, икки биржа аъзоларини ўзаро тан олиш тамойиллари назарда тутилди.

Мазкур Тартибга мувофиқ ЎзРВБ аъзолигига “Тошкент” РФБ аъзоларини қабул қилишда икки биржа ўртасида идоралараро

электрон ҳужжатлар алмашинувини жорий қилиш орқали ягона электрон ахборотлар базаси шакллантирилади.

Биржа аъзолигига қабул қилиш ариза асосида мазкур ахборот тизимида мавжуд маълумотларни текшириш орқали амалга оширилади.

Маълумотларни текшириш жараёнида топширилган ҳужжатлар ва маълумотларда камчиликлар мавжуд бўлмаса, талабгорни давлат қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга ошириш ва савдоларда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзолигига қабул қилиш юзасидан 3 иш кунида ЎзРВБ Ижроия органи қарори қабул қилинади.

Мазкур Тартибга кўра икки биржа ўртасида идоралараро электрон ҳужжатлар алмашинуви жорий қилиниши муносабати билан ЎзРВБга аъзоликка қабул қилишда талаб қилинадиган ҳужжатлар сони 2 бараварга камайтирилди ҳамда аъзоликка қабул қилиш жараёнининг мудати 1 ойдан 3 иш кунигача қисқартирилди.

“Тошкент” РФБ аъзоси томонидан Тартибнинг талаблари тўлиқ бажарилганидан сўнг, у савдо тизимида қайд этилади ва унга идентификация коди берилади.

Шу билан бирга, икки биржа аъзолигига қабул қилиш жараёнида ўзаро тан олиш тамойиллари жорий этилиши натижасида ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзолари “Тошкент” РФБ томонидан унинг аъзоси сифатида ўзаро тан олинади ҳамда улар “Тошкент” РФБдаги биржа савдоларида ўз трейдерини аккредитациядан ўтказиш ва шартнома тузиш орқали қатнашиш имкониятига эга бўлади.

Мазкур Тартибнинг қабул қилиниши натижасида икки биржа аъзоларининг давлат ва корпоратив қимматли қоғозлари билан биржа савдоларида қатнашиш имконияти кенгайтирилиб, чет эл инвесторларининг қимматли қоғозлар бозорига жалб этилиши учун шароит яратилмоқда.

Эътиборингиз учун раҳмат!